



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 24 январь, № 16 (5436)

Сешанба

Кимё саноати: САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР, ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қайд этилганидек, ўтган йили иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида юқори ўсиш суръатлари таъминланди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,3 фоизга ўсиб, мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлари қаторидан мустаҳкам жой эгаллагани бунинг ёрқин далилидир. Президентимиз маърузасида алоҳида таъкидланишича, "Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришнинг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин".



ётган қулай шарт-шароитлар натижасида соҳа йил сайин тараққий этиб бораёпти, — дейди компаниянинг техник ривожланиш бошқармаси бошлиғи Раҳмат Усаров. — Истиқлол йилларида нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки унинг экспорти бўйича юқори ўринларга чиқиб олганимиз хорижий экспертларнинг эътирофи сазовор бўлаётди. Буларнинг замирида пухта ўйланган ва ҳаётий дастурларнинг амалиётга изчил жорий этилаётгани мумкин. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 27 июлдаги қарори билан тасдиқланган 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури ижроси тизим ривожидида сифат жиҳатидан янги даврни бошлаб берди. Чунки ушбу ҳужжат доирасида кенг қўламли модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ишлари амалга оширилиб, мод-

Жараён



Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида саноатни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани туфайли унинг барча тармоқларида барқарор ривожланиш кузатилиб, ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошиб бораёпти. Бугунги кунда саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот иш-

лаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этаётгани ана шу ислохотларнинг юксак самарасидир. Кейинги йилларда, айниқса, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланган кимё саноатида жадал ўсиш кузатилаёпти. Ўтган йили "Ўзимё-саноат" давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар томонидан 1352,9 миллиард сўмлик маҳсулот, шу жумладан,

66,2 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, 6,2 фоиз ўсишга эришилгани шундай дейишимизга тўла асос бўла олади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур компания ишлаб чиқариладиган минерал ўғитларнинг тури ва ҳажми бўйича Марказий Осиё минтақасида етакчи ҳисобланади. Чунки бу ерда жуда кўп миқдорда аммиак, карбамид, аммиакли се-

литра, аммоний сульфат, аммофос ва нитрофос каби маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларини химоялаш воситалари ва дефолиантлар, шунингдек, тоғ-кон, енгил ва қурилиш саноатлари учун муҳим хом ашёлар ҳам етказиб берилди. — Президентимиз ташаббуси билан кимё саноатига қаратилаётган эътибор, яратиб берила-

дий-техник ресурсларни тежаш, тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг таннархини пайсантириш, энг асосийси, экспорт салоҳиятини кўтариш имконияти вужудга келди. Модернизациялаш тадбирлари ҳисобига биргина аммиак ишлаб чиқариш қувватларини "Максам-Чирчиқ" ОАЖда йилига 243 минг тонна ўрнига 420 минг тонна, "Фаргоназот" ОАЖда эса 300 минг тонна ўрнига 400 минг тоннагача етказиш имконияти пайдо бўлди. Тахлилларга қараганда, сўнгги беш йил мобайнида тармоқда барқарор ўсиш суръатлари сақланиб турибди. Айниқса, 2011 йил чинакам муваффақиятлар йили бўлди, дейиш мумкин. Сабаби, саноатчилар томонидан йил давомида 1171,7 минг тонна минерал ўғитлар, шу жумладан, 924,3 минг тонна азотли, 139,4 минг тонна фосфорли, 108 минг тонна калий ўғитлар ишлаб чиқарилиди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:



Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Хайъатининг солиқ органларининг 2011 йилдаги фаолияти яқунлари ва жорий йилдаги устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Долзарб масалалар муҳокамаси

Унда давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг 2011 йилдаги ижроси, хусусан, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушумларни таъминлашда мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдаланилганлиги таҳлил қилинди ҳамда Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган йўналишларда солиқ органларига тааллуқли вазифалар ижроси юзасидан Дастур ишлаб чиқиши қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

Наманган

Мингбулоқ туманининг Жомашўй шаҳарчасидаги "Мингбулоқ мебель сервис" хусусий корхонасида кенг қўламли модернизациялаштириш тадбирлари амалга оширилган, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 14 тага етди.

Бежирим, замонавий, харидоргир

— Лойихани рўёбга чиқаришда банкнинг 48 миллион сўмлик молиявий кўмагидан унумли фойдаландик, — дейди корхона раҳбари И. Анафиев. — Хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида ошхона, ётоқхона, меҳмонхона учун мўлжалланган сифатли мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Дастлабки 30 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотимиз эса сотувга чиқарилди.

Эътиборлиси, ўтган йили туманда шу каби истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 8,9 миллиард сўм ҳамда 1 миллион АҚШ долларлик маблағ сарфланди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Хивалик Гулноза Авезова савий-ҳаракати билан лойиҳа қиймати 160 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия фойдаланишига топширилди.

Илғор технология шарофати

Шу билан бирга, бу ерда гўштни қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилди. Мухими, 12 та иш ўрни яратилган корхонада дастлабки 15 миллион сўмликдан зиёд сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланди.

Таъкидлаш керакки, Хива туманида 2011 йилда шу каби 865 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

О. РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Андижон

Пахтабод туманидаги "Отавулла Аблахат" фермер хўжалиги қошида бир йўла иккита — пиллани қайта ишлаш ҳамда тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилди.

Фермер ташаббуси

Бунда фермер хўжалиги маблағи ҳамда банкнинг 50 миллион сўмлик кредити қўл келди. Кўп тармоқли фермер хўжалиги дастлабки 20 миллион сўмликка яқин маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берди.

Туманда ўтган йили мавжуд корхоналар фаолияти кенгайтиши ҳамда янги тадбиркорлик субъектларининг иш бошлаши эвазига 5400 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дил сўзи

Мамлакатимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган уч босқичли таълим тизими ёш авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, шу билан бирга, малакали кадрлар бўлиб камол топишига хизмат қилмоқда. Айниқса, бу борада касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ

таълим сифати ва самарадорлиги ошишига замин бўлмоқда

Зотан, бугун юртимиздаги барча ўқув муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, қолаверса, ўқитувчи-мураббийлар меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани, соҳага илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг янги услублари кенг татбиқ этилаётгани таълим сифати ва самарадорлигини юксалтиришда қўл келаётди.

Президентимизнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳам ана шу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди. Хусусан, яқунланган йилда коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажақда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилиб, шу асосда 390 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминлангани қувонарлидир.

Вилоятимизда ҳам бу борада изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили Андижондаги 104 та коллежни 37 минг 682 нафар йигит-қиз тамомлади. Улар ишлаб чиқариш ва амалиёт машғулотларини 7981 корхона, ташкилот ҳамда муассасада уч томонлама шартнома-лар асосида ўтадилар.

(Давоми 2-бетда).

ЮРТ РАВНАҚИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир

Президентимиз Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимизнинг бугунги социал-иқтисодий тараққиёти натижалари чуқур таҳлил қилиниб, бу кўрсаткичларни янада мустаҳкамлаш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб берилди.

Муносабат

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё мамлакатлари, биринчн навбатда, ривожланган йирик давлатлар иқтисодиётига ҳали-ҳануз салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилган чора-тадбирларга қарама-қарши, аксарият мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқариш-

нинг амалда пасайиши кузатилаётганда. Экспертлар мазкур жараён шу тахлитда давом этадиган бўлса, глобал миқёсда иқтисодий ўсиш давомли равишда пасайиб бориши мумкинлигини башорат қилишмоқда.

Президентимиз сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган бу каби муаммолар, асосан, қўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозори-

ни шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал қилиниши кўзга ташланаётганини қайд этиб, бу келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ҳамда шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлади.

Буларнинг барчаси, табиийки, юртимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Аввало, дунё бозорига хом ашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб бориши мамлакатимиз экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Рақобат — ривожланиш гарови

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хайъатининг 2011 йил яқунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда поёнига етган йилда қўмита томонидан зарар кўриб ишлаётган корхоналарни аниқлаш ва тижорат банклари ёки инвесторлар-

га сотиш, республикамиз иқтисодиётининг монополиялаштириш даражасини пасайтириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича муайян иш-

олиб борилган ишлар натижасида туғатиш жараёнида мол-мулкка эга бўлган 193 та банкрот корхонанинг 42 таси суд бошқарувчилари томонидан очиқ аукцион савдоларида янги мулкдорларга берилди. 43 та корхона эса ўз тўлов қобилиятини тиклаган бўлса, 8 таси тижорат банклари балансига ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

ЮКСАЛИШНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда 2000 — 2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробарга ошиб, жумладан, ўтган йили унинг ўсиши

8,3 фоизни ташкил қилди.

Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлари қаторидан жой олди. Табиийки, бунда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ривожланишнинг "ўзбек модели" ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишлари изчил амалга оширилгани муҳим омил бўлди.



2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришни устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда. Унга мувофиқ, ушбу даврда умумий қиймати 2,86 млрд. АҚШ долларлиқ 30 та модернизациялаш ва янги қурилиш лойиҳалари рўйбга чиқарилади. Жумладан, "Навоий-азот" ОАЖда поливинилхлорид ва каустик сода, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш мажмуаларини барпо этиш, "Резинотехника" ОАЖ негизда конвейер ленталари, автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун шинлар тайёрлашни ўзлаштириш, шунингдек, кимё саноатининг дурдоналарига қиёсланаётган

бўлган эҳтиёжи ўз маҳсулотимиз эвазига тўлиқ таъминланаётган. Юртбошимиз томонидан муштараклигимизнинг дастлабки йилларида, иқтисодий тармоқларнинг кимёвий хом ашёларга бўлган эҳтиёжини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобига қондириш масаласи асосий вазифа қилиб қўйилган эди. Шу мақсадда Маҳаллийлаштириш дастури қабул қилиниб, унинг ижросига киришилди. Натijaда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар тури йилдан-йилга кўпаймоқда. Эътибор қилинганда, 2005 йилда тармоқ доирасида кимё маҳсулотининг янги 10 тури ўзлаштирилган бўлса, 2010 йилга келиб, бу кўрсаткич 36 тани ташкил этди. 2011 йилда

қилинапти. Биринчи йўналишда жажоннинг илғор тажрибаларига таяниб, аммиакли селитранинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари қамраб олинса, иккинчи йўналиш бўйича табиий газни чуқур қайта ишлаш чора-тадбирлари қўрилаяпти. Тармоқни инновацион ривожлантиришнинг учинчи йўналиши эса маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган кимё маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш ва экспорт салоҳиятини оширишни кўзда тутди. Белгиланган лойиҳаларнинг изчил ижроси тўғрисида, масалан, "Фаргонаазот" ОАЖда йилига 1000 тонна натрий нитратини ишлаб чиқариш бўйича янги қувват ишга туширилди. Натijaда

бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сафига Европа, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Хитой, Эрон, МДХ мамлакатлари, Австралия, Бразилия ҳам қўшилиди. Буларнинг бари 2011 йилда экспорт прогнозини 10,8 фоизга бажариш имконини берди.

Бу каби муҳим кўрсаткичлар соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошираётгани алоҳида эътиборга молик. Сабаби, кейинги йилларда жалб этилаётган хорижий сармоялар ҳамми ортиб, чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда қўллаб-қўллаш муваффақиятли амалга оширилаяпти. Биргина 2011 йилда Инвестицион дастурга киритилган лойиҳалар учун 57,7 млрд. сўм капитал қўйилмалари ўзлаштирилиб, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида косметика ва гигиена маҳсулотлари, "Максам-Чирчик"да говақли селитра, "Жиззах пластмасса"да болалар ўйинчоқлари ва атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари фаолияти йўлга қўйилди. Эътиборлиси, бундай йирик лойиҳалар жорий йилда ҳам амалга оширилиши кўзда тутилган. Айни пайтда умумий қиймати 13,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган маиший кимё ва синтетик ювувчи воситалари тайёрлашга иттихослаштирилган корхона барпо этиш устида ишлар бошлаб юборилган. Шу мақсадда қўллаб-қўллаш хорижий корхоналар билан ҳамкорлик алоқалари олиб борилаяпти.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида айтганидек, "Бугунги кунда қўллаб-қўллаш ва жажон иқтисодиётига етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислох этиш, тарқийб жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин". Шу маънода, "Ўқимёсаноат" ДАК тизимида давлатимиз раҳбарининг ана шу йўл-йўриқ ва тавсиялари асосида иш юритилаётгани натижасида юқори ўсми сурьатлари қўлга киритилапти. Бу, ўз навбатида, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, ички бозорни рақобатбардор халқ истеъмоли моллари билан тўлдириб, экспорт ҳажминини ошириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётган.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: "Максам-Чирчик" ОАЖ фаолиятини давом эттириш.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЮРТ РАВНАҚИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсадидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки оммавий ахборот воситалари орқали шуни қўриб, ўқиб турибмики, дунёда истеъмол қувватининг тушиб кетиши оқибатида йирик-йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш компаниялари ўз харажатларини қисқартириш йўлидан бормоқда. Бунда асосий эътибор иш ўринларини ҳамда хом ашё харажидини камайтиришга қаратилмоқда.

Мана шундай мураккаб бозор конъюктураси шароитига қарамадан, Ўзбекистонда барқарор ўсиш сурьатлари таъминланаётгани халқорам ҳам эътироф этилмоқда. Бунга Жаҳон банкининг яқин йиллар учун мўлжалланган прогнозлари, Халқаро валюта жамғармаси миссияси баёнотларида кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида барқарор ўсиш сурьатларига эришилмоқда. Чунки, ўтган йили республикада ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш сурьати 8,3 фоизни ташкил этди. Бундай юқори ўсиш сурьати барқарор таъминланиши натижасида сўнгги ўн йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллади.

Саноат соҳасида фаолият юритаётганим боис бу йўналишдаги кўрсаткичларни ҳам алоҳида эътироф этишни истардим. Чунки ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоизга ўсди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, иқтисодиётда саноат улуши изчил ортиб бормоқда. Дейлик, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот таркибида саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди.

Албатта, бу рақамлар замирида Юртбошимиз раҳнамолигида узокни кўзлаб амалга оширилаётган устувор дастурлар, қатъий макроиқтисодий ислохотлар, хусусан, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини модернизация қилиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, халқимизнинг фидокорона меҳнати муҳасамидир. Узокни кўзлаб дейишимизнинг боиси шундаки, 2008 йилда, яъни кинироз чуқур илдиришдан

Хулоса ўрнида айтганда, 2012 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурда белгиланган улкан вазифаларни амалга ошириш, Юртбошимиз қайд этганидек, барчамиздан бутун салоҳиятимиз, билим ва тажрибамизни, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни, ҳар биримиздан зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, самарали меҳнат қилишни талаб этади. Айни чоғда парламент томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган қўшничи ташаббусларини рўйбга чиқариш ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда айни муддаодир.

К. САНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Кимё саноати: САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР, ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жажон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган, ташқи бозорда тайёр маҳсулотга талаб пайсанг ҳозирги мураккаб шароитда бундай кўрсаткичга эришиш осон эмас, албатта. Компания мутахассисларининг айтишича, янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш, замонавий қувватларни ишга тушириш эришилаётган ютуқлар гарови бўлмоқда. Ишоти? "Самарқандкимё" ОАЖда маҳаллий бойитилмаган фосфор хом ашёси негизда янги нитрокальций-фосфатли ўғит ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Яна бир йирик лойиҳа — аммиакли селитрани фосфорит хом ашёсини қўшган ҳолда доналаштириш "Навоийазот" ОАЖда муваффақиятли тугалланди. Бу, ўз навбатида, ички ва ташқи бозорда талаб ниҳоятда юқори бўлган хавфсиз аммиакли селитра ишлаб чиқаришда қўл келди.

Шу билан бирга, "Максам-Чирчик" ОАЖга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинган ҳолда, экспортбоп говақли селитра ишлаб чиқариш линияси ишга туширилиши арафасида турибди. Бу — йилига қўшимча равишда 60 минг тонна янги экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан қарий 95 фоизи четга сотилади, деганидир.

— Компаниямизда маҳсулот турларини янада кенгайтириш, тармоқ экспорт салоҳиятини кўтаришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга устувор вазифа сифатида жиддий эътибор берилмоқда, — дейди компаниянинг тармоқни истиқболли ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Хамидулла Назаров. — Бу борада Президентимизнинг

Кўнғирот сода ҳамда Деҳқонобод калийли ўғитлар заводларининг навбатдаги босқичларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Экспертларнинг фикрича, мазкур икки йирик завод Ўзбекистон иқтисодиётининг юксак қудрати, бунёдкор халқнинг юқори салоҳиятининг амалдаги индикаторидир. Зеро, кўлами жиҳатидан ниҳоятда улкан бундай мажмуалар тарққиёт тизгини маҳкам ушланган жойлардагина барпо этилади-да. Шу маънода, ушбу корхоналар нафақат кимё саноати, балки ҳудуд ижтимоий-социал ҳаётида

порлоқ йўл очиб бергани билан ҳам гоёта аҳамиятлидир. Масалан, Кўнғирот сода заводининг ишга туширилиши тўғрисида Оролбўйи минтақасидаги бой табиий захираларни ўзлаштириш, ош тузи ва охактош конларига саноат усулида маҳсулот тайёрлашга киришилди. Энг асосийси, заводда йилига 100 минг тоннага яқин калийни қилинган сода ишлаб чиқарилиши натижасида унинг импорти тўхтатилди. Аксинча, ёғ-моя саноати, ойна ва ювувчи воситаларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган бу муҳим хом ашёни Қозоғистон, Туркманистон, Россия каби давлатларга экспорт қилиш йўлга қўйилди. Худди шунингдек, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи 1300 нафар кишилик жамоасининг фидокорона меҳнати билан республикамиз деҳқон ва фермерларининг калийли ўғитларга



эса 33 та лойиҳа бўйича 269,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бу борадаги прогноз 12,1 фоизга бажарилди.

Кимё саноати корхоналари қурилиши жадаллаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш Дастурига мувофиқ, "Ўқимёсаноат" ДАК корхоналарида кимё маҳсулотларининг яна 11 турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилаяпти. Булар ичида фосфатлаштирилган аммиакли селитра, метанол (А маркаси), натрий нитрати, тринатрийфосфат, озуқа фосфати, аммиак ишлаб чиқариш учун катализаторлар бор.

— Дастурга мувофиқ, — дейди компаниянинг Инновацион маркази директори Абдулла Дадаҳўжаев, — "Ўқимёсаноат" ДАК тизимидаги корхоналарда учта асосий йўналиш бўйича инновацион лойиҳалар ҳаётга татбиқ

"Кварц" ОАЖнинг асосий хом ашёга бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланишига эришилди. "Максам-Чирчик" ОАЖда аммиак ишлаб чиқариш учун зарур бўлган катализаторларнинг тўрттаси ўзлаштирилди. "Аммофос-Максам" ОАЖда эса озуқа фосфатини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундай маҳсулотлар ички талабни қондирибгина қолмай, балки экспорт ҳам қилинапти. Чунки уларнинг сифати юқори бўлиб, ташқи бозорда бемалол рақобатлаша олади. Айниқса, пахта целлюлозаси, кальцийни қилинган сода, А маркали метанол, фосфатлаштирилган аммиакли селитра, натрий нитрати, катта диаметри пластмасса қувурлари, суюқ карбамид-аммиакли селитра ҳамда калийли ўғитга талаб катта. Агар илғори маҳсулотларимиз фақат қўшни мамлакатларга экспорт қилинган

ЭЪТИБОР, ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ

таълим сифати ва самарадорлиги ошишига замин бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 36438 нафар битирувчи ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. 529 нафари эса айни пайтда олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосан, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси Марказий банкининг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда қўша дастур ишлаб чиқди. Унга қўра, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга тижорат банклари томонидан 3 миллиард 200 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Пировардида 708 нафар кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

Айтиш жоизки, Юртбошимиз маърузасида белгила берилган вазифалар ҳар биримизни чуқур мушохаддага, фаолиятимизга янги ҳандишига ундайди. Зеро, шу юрт, шу заминда камол топаётган ўғил-қизларимизнинг порлоқ келажаги, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб улғайиши учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Ўқтамжон АБДУРАҲИМОВ,
Анджон вилояти
ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг
Битирувчиларни иш билан таъминлаш бўлими бошлиғи.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамизда 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан шахсий таркибга давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар ва инвестицияларни жалб этиш учун берилаяётган солиқ имтиёзлари ҳамда преференцияларни тарғиб қилишнинг жадаллаштириш мақсадида, хорижга сафарлар уюштириш борасида-

Долзарб масалалар муҳокамаси

ги вазифалар белгиланиб, чет мамлакатлар билан ички ёқлама солиқ олиш ва солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Шахсий таркиб ўртасида коррупция ва порахўрлик каби салбий ҳолатлар ҳамда уларнинг олдини олиш борасида профилактик тадбирларнинг амалга оширилиши аҳволи юзасидан Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органларида ўтказилган ўрганишлар натижалари танқидий қўриб чиқилиб, салбий ҳолатларга мойил ходимларни барвақт аниқлаб, тизимдан четлатиш тўғрисида мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди.

Кун тартибидеги муҳокама қилинган масалалар бўйича марказий аппарат таркибий тўзимларини ва худудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эши-

Давлат солиқ қўмитаси
Ахборот хизмати.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йил давомида, умуман, 796 та корхона молиявий соғломлаштирилиб, уларда 3,6 триллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилгани, бу борада аввалги йилдаги нисбатан 143 фоиз ўсишга эришилгани, 14 мингга яқин иш ўринлари яратилгани диққатга сазовордир. Шунингдек, монополияга қарши ва табиий монополиялар тўғрисидаги қўнунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида ўтқа-

Рақобат — ривожланиш гарови

зилган ўрганишлар натижасида 44,8 миллиард сўмлик қўнунбузилишлар аниқланиб, шунинг 32 миллиард сўми бюджет, 12,7 миллиард сўми истеъмолчиларга қайтарилди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга молик. Айталик, тадбиркор-

ларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишида табиий монополия субъектларини томонидан яратилган шарт-шароитларни соддалаштириш бўйича олиб борилган таҳлиллар жараёнида бир қатор камчиликлар аниқланиб, бу муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш бўйича ўтказилган мониторинг маълум бўлган 845 миллион сўмлик зарар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ўз эгаларига қайтарилди. Йўл қўйилган қўнунбузилишлар бўйича 802 та кўрсатмалар юборилиб, 6,7 мингга арива ва мурожатнинг 54 фоизи истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди, 46 фоизи бўйича эса тегишли тушунтиришлар берилди. Ҳайъат йиғилиши сўнгиде-

Д. МУРОДОВ.

Сўм/кг	СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ	Сўм/кг	ЦЕМЕНТ	Сўм/кг	УН БИРИНЧИ НАВ	Сўм/кг	ОМИХТА ЕМ
550,0	880,0	258,0	258,4	610,0	626,6	250,0	317,1
ЎЗРТХБ	котиروқвалари	сўм/кг	СУЮЛТ. ГАЗ 880,0 ▲ +9,4	ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 258,4 ▲ +4,6	УН биринчи нав 626,6 ▼ -8,2	ОМИХТА ЕМ 317,1 ▼ -38,3	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ:

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА



Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида банк-молия тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар алоҳида қайд этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, мамлакатимизда кейинги йилларда мазкур тизимни тақомиллаштириш, молия муассасаларининг мижозлар билан ишлаш жараёни янада

яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар қўлами ниҳоятда кенг. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг мамлакатимиз молия бозорига етакчилик мавқеини ишонч билан сақлаб келаётганининг боиси ҳам шунда. Катта ресурс база, сармоя ва активлар банкка узоқ муддатли кредитлар бериш, халқаро молия бозорига мустақам ўрин эгаллаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш имконини бермоқда.

Ислохотларнинг молиявий асоси

Таъкидлаб ўтиш керакки, мамлакатимизда истиқлол йилларида хорижий инвесторлар учун қулай муҳит яратилгани улар иштирокида кўплаб корхоналар ташкил этилишига асос бўлди.

Бу, ўз навбатида, банк тизими зиммасига муҳим вазифалар қўйди. Миллий банк ана шулардан келиб чиққан ҳолда, биринчи навбатда, истиқболли соҳаларни кредитлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда банкнинг йиллар давомида синодан ўтган иш тажрибаси, халқаро рейтинглар билан кўп мартаба таъдиқланган пешқадамлик мавқеи ҳамда мутахассисларнинг юксак малакаси кўп келаяпти.

Банк томонидан мақсадли инвестициялар иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига, айниқса, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, рангли ва қора металлургия, қишлоқ хўжалиги, алоқа, транспорт ҳамда сайёҳлик инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Натижада тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг мутасил ўсишига эришилди. Масалан, айни пайтда "Муборак газни қайта ишлаш заводи" УШҚда умумий кредит таъминоти 105,39 млн. АҚШ долларлик бўлган суюлтирилган газ ишлаб чиқариши кўпайтиришга мўлжалланган махсус курилгани барпо этиш лойиҳасини кредитлаш фаол давом эттирилмоқда.

Маълумки, транспорт-коммуникация тармоғи ривож иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуктаи назардан, Миллий банк Тошкент аэропортидан ташқари яна 12 та минтақавий аэропортни ўз ичига олуви "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси тизимида амалга оширилаётган техник-технологик янгилаш жараёнида яқин ҳамкор сифатида иштирок этмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК паркларини янгилаш ва унификациялаш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида, "А-320-200" русумли 4 та самолёт ва "Боинг-767-300ER" русумли 4 та самолёт ва иккита эҳтиёт диватели сотиб олиш учун Миллий банк томонидан умумий қиймати 266,7 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси тақдим этган лойиҳа асосида Хитойда ишлаб чиқарилган йўловчи ташиш электровозларни харид қилишда ҳам молиявий кўмак берилди. Бу лойиҳанинг умумий кредит эҳтижи 70,1 млн. АҚШ доллари тенг. Шу билан бирга, умумий кредит талаби 19 млн. еврони ташкил этувчи иккита тезорар "Talgo-250" йўловчи электропоездни сотиб олишга асосланган лойиҳа, Фаргона, Марғилон ҳамда айрим аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш сифатини, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган умумий қиймати 44,97 млн. АҚШ долларлик лойиҳанинг татбиқ этилишида ҳам банкнинг муносиб ҳиссаси бор.



Бизнеснинг ишончли таянчи

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг ўрни ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда аҳолининг хусусий ва кичик корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотга бўлган талаби ортгани, соҳа вакилларининг нафақат ички, балки ташқи бозорга дадил кириб бораётгани шундан далолат беради.

Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатнинг ичимлик суви ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш бўйича 140 млн. сўмлик бизнес режалари қисқа муддатларда молиялаштирилди.

2011 йил яқунларига кўра, кичик бизнес субъектларига барча манбалар ҳисобидан жами 70 млрд. сўм миқдорига микрокредитлар ажратилди. Бу эса, 2010 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун Миллий банк жами 62 млрд. сўм миқдорига кредитлар берди.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида барча кредитлаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига жами 58,8 млрд. сўм миқдорига, яъни 2010 йилдагига нисбатан 2,6 баравар кўп кредитлар ажратилди.

Масалан, "Қорақўл Жасури" МЧЖнинг ун ишлаб чиқариш ва нон маҳсулотлари тайёрлаш ускуналарини сотиб олиш бўйича 150 млн. сўмлик, "Саломат Икром қизи" корхонасининг мебель ишлаб чиқариш бўйича 60 млн. сўмлик,

"Самарқанд саго капитал" корхонасининг ичимлик суви ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш бўйича 140 млн. сўмлик бизнес режалари қисқа муддатларда молиялаштирилди.

2011 йил яқунларига кўра, кичик бизнес субъектларига барча манбалар ҳисобидан жами 70 млрд. сўм миқдорига микрокредитлар ажратилди. Бу эса, 2010 йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун Миллий банк жами 62 млрд. сўм миқдорига кредитлар берди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бажариш учун барча кредитлаш манбалари ҳисобидан жами 8 млрд. сўм ҳажмида микрокредитлар берилгани ва бу кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан 1,3 баробар зиёд эканлиги эътиборга моликдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари, шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 11 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 6,14 млрд. сўм миқдорига имтиёзли кредитлар билан таъминланди. Бу ҳам ўтган йилги кўрсаткичдан 4,2 баравар ортқидир.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида қарийб 4 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Миллий банкда, айниқса, халқаро молия ташкилотларининг маблағларини жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, банк Хитой Давлат Тараққиёт банки (ХДТБ)нинг учинчи кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 40,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 81 та лойиҳани молиялаштирди. "Ўзбекистон банк" билан ХДТБ ўртасида имзоланган Кредит битими шартларига мувофиқ, кредитлар саноат ва ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш, модернизациялаш ва кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни молиялашга йўналтирилди. Маълум кредит йўналишининг маблағлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ишлатилди:

— мева-сабзавот, чорвачилик ва

бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш учун мўлжалланган минитехнологиялар ва илҳам ускуналар сотиб олиш;

— маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий маҳаллийлаштирувчи ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш;

— қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жумладан, уларнинг янги турларини ўзлаштириш;

— озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ҳисобланувчи тайёр истеъмол молларини ишлаб чиқариш;

— хизмат кўрсатиш, сервис, жумладан, сайёҳлик соҳаларини ривожлантириш.

Бу борада Миллий банк Корея Экспорт-импорт банкининг кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 57,6 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 7 та лойиҳани молиялаштириш учун қабул қилганини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, "Ландесбанк Берлин"нинг (Германия) жалб этилган кредит йўналиши ҳисобидан манфаатли лойиҳаларни молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда. Миллий банк томонидан ҳозирнинг ўзидаёқ, мазкур кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 22,8 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 3 та лойиҳа керакли маблағ билан таъминланди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш доирасида Миллий банк иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини қамраб олганлигининг ўзиёқ унинг салоҳиятини исботлаб турибди. Булар энгил саноат, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардир.

Чунончи, "Вахтал Golden Apple" қўшма корхонасига сабзавот ва меваларни музлатиш ускунасини сотиб олиш учун 824,5 минг АҚШ доллари, "Зилон" ХКга музқаймоқ ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун 127,5 минг АҚШ доллари ажратилгани бунга мисол бўла олади.



Устувор вазифалар кўлами

Залворли галабалар ва ютуқларга бой бўлган 2011 йил Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг навбатдаги босқичи сифатида молия муассасалари фаолиятида улкан бундиликка тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлаш, чакана хизматларни ривожлантириш, янги банк хизматларини қўллаш, энг асосийси, иқтисодий фаолият субъектларини замонавий ҳамда сифатли банк хизматлари билан таъминлашга қаратилган комплекс дастурлар ва чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир қаторда, иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши, банк секторига қучайиб бораётган рақобат Миллий банкдан ўз етакчилиги мавқеини сақлаб қолиш ва кейинги илчил ривожланишини кафолатлайдиган зарур ва тезкор чоралар қўришни тақозо этади.

Шуни ҳисобга олиб, Миллий банк 2012 йил учун ривожланишнинг қуйидаги устувор йўналишларини белгилаб олди:

- инвестиция бизнесини ривожлантириш, Ўзбекистон иқтисодиётини, айниқса, унинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда ёрдам берувчи инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасида банкнинг ролини ошириш;

- банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш;

- иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш масаларида кўмаклашишни давом эттириш;

- кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар ҳажминини янада кенгайтириш, агросаноат комплекси субъектларини қўллаб-қувватлаш;

- ҳар бир мижозга янги ва табақалаштирилган тарзда ёндашиб, янги банк маҳсулотларини қўллаб, чакана бизнесни устувор тарзда ривожлантириш;

- хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш;

- фонд бозорига хизматлар доирасини кенгайтириш;

- филиаллар тармоғини мақбуллаштириш ҳамда энг кам харажат қилган ҳолда, республикамизнинг ҳамма жойларида тезкорлик билан барча хизматларни тақдим этишга қодир бўлган минибанклар тармоғидан кенг фойдаланиш.

Банк Ахборот хизмати.

Келажак учун инвестициялар

Банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашда тижорат банклари иштирокини фаоллаштириш мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамлашнинг самарали омилларидан биридир.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу вазифаларни бажаришда дастуриламал бўлмоқда.




Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш жараёнида фаол иштирок этиб, бу мақсадлар учун узоқ муддатли кредитлаш манбаларини сафарбар этмоқда.

Шу кунга қадар жами 66 та иқтисодий ночор корхона банк

негизда тузилган шўьба корхоналарнинг активларини "NBU Invest Group" ва "NBU Investment" инвестиция компаниялари орқали самарали бошқариш тизими йўлга қўйилган. 40 та шундай корхона бошқариш инвестиция компанияларига топширилгани диққатга сазовор. Уларни бошқаришга тажрибали менежерлар, муҳандислар ва юқори малакали мутахассислар, шунингдек, хорижий ҳамкорлар ва инвесторлар таълим этиляпти.

Умуман, рентабеллиги паст корхоналарни соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар салмоқли натижалар бераётгани Президентимиз томонидан илгари сурилган банк тизимидаги ушбу ноанъанавий усулнинг нечоғлиқ самарадорлигининг амалий исботидир.

Умуман, рентабеллиги паст корхоналарни соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар салмоқли натижалар бераётгани Президентимиз томонидан илгари сурилган банк тизимидаги ушбу ноанъанавий усулнинг нечоғлиқ самарадорлигининг амалий исботидир.



Таълим

Мактабнинг муҳташам концерт залида навбатдаги муסיкий машгулот — очик дарс ўтказилмоқда. Фортепьянода машхур "5-эпюд" куйи янграётган маҳал томошабинлар орасида ўтирган ўқувчилардан бири эътиборимизни тортди.

МУСИҚА МЎЪЖИЗАСИ

Негаки, у нигоҳини бир нуқтага тиккан кўйи узун-узун бармоқларини тўлқинсимон харакавлантириб, эшитаётган куйини хаёлан ўзи ҳам чаларди. Ушбу манзарани кузата туриб, боладаги иқтидор, интилиш, муסיқа ва санъатга бўлган чексиз муҳаббатни ҳис этдик.

Бунга сабаб мактабда шу йўналишдаги янги синфлар, тўғараклар очилганлиги, ёшларнинг пухта билим олиши учун янада қўлай шарт-шароитлар яратилганлигидир.

ерда муסיкий йўналишлардан ташқари, тасвирий санъат ва хореография бўйича ҳам ихтисослашган синфлар фаолият кўрсатмоқда.

— Таъмирлаш ишларидан сўнг ўқув масканимиздаги машгулот хоналари кенг ва эруғ тус олди, кутубхона, компьютер синфи ҳамда 200 ўринли катта концерт зали бунёд этилди, — дейди мактаб директори вазифасини бажарувчи Шаҳноза Холматова.



ган истеъдодли ўқувчиларимиз табдаги ёш ўқитувчилар ўртасида устоз — шогирдлик аъёнлари ҳам ибратли тарзда йўлга кўйилган. Мақсадимиз санъат остонасига қадам қўйган навқирон ўғил-қизларнинг келажақда кенг дунёқарашга эга инсон бўлиб камолга етишларини таъминлаш баробарида, маънавий дид ҳамда савияси юксак ёшлар сафини янада кенгайтиришдир.

Муробак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири. Хасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

Спорт

Шахматчилар беллашув

Пойтахтимизда Ўзбекистон шахмат федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан рапид — тезкор шахмат бўйича турнир ташкил этилди.

Унда саккиз партияни ўз фойдасига ҳал қилган маҳоратли «ақл гимнастикаси» устаси Евгений Пак бош мукофот соҳиб бўлди.

Кейинги совинли ўринлар Талгат Губайдуллин ва Сирожиддин Нажиmiddиновга насиб этди.

Теннис бўйича Австралия, Ҳиндистон ва Россия мамлакатларида ўтказилётган халқаро турнирларда қатнашаётган ҳамюртларимиз галабли юришларини давом эттиришмоқда.

Ғолиблик сари йўл

Хусусан, Мельбурн (Австралия) шаҳрида ўсмирлар ўртасида ташкил этилган «Australian Open Junior Championships — 2012» халқаро турнирида ватандошимиз Сабина Шарипова дастлабки босқичда чехиялик Жесика Малечковадан устун келиб, кейинги босқичга йўл олди.

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳри мезбонлик қилаётган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро турнирида эса ҳамюртимиз Арина Фолс саралаш босқичини муваффақиятли яқунлади.

Эркаклар ўртасида Россияда ўтказилётган «Фючерс» халқаро турнирида эса спортчимиз Павел Сои муваффақиятли қатнашмоқда.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Ғамхўрлик

Юртимизда тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан бенасиб қолган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига, уларнинг эзгулик руҳида камол топишига алоҳида эътибор қаратилапти.

ЭЗГУЛИК ВА МЕҲР СЕҲРИ

Гулистон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» фаолиятини ҳам ана шундай хайрли юмушларнинг амалий тасдиғи, дейиш мумкин. Шаҳарча ташкил этилганига икки йил бўлганига қарамай, бу ерда яшовчилар туғилган қариндошлардек аҳил ҳаёт кечиришапти.

ҳаётда қилинган ҳар бир эзгу ишинг, мурувват ва саховатнинг, албатта, савоби бор. Мана, ўзимдан киёс. Турмуш ўртоғим билан олти йил фарзанд кутдик. Аммо ниятимиз рўёбга чиқмади.

зандларимизнинг бари эсли-хушли, истеъдодли. Шукрки, уларнинг эртасидан кўнглимиз тўқ.

доимо диққат-марказида. Хусусан, ҳар бир хонадонда «Маънавият бурчаги» ташкил қилинган. Болалар учун спорт, санъат, илму хунар йўналишларида турли тўғараклар ишлаб турибди.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилди!

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилди!

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилди!

OB-XABO (24 январь) Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида -15 -20 -5 -10 Бухоро ва Навоий вилоятларида -1 -6 +1 +6 Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида -1 -6 +1 +6 Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида -1 -6 +1 +6 Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида -3 -8 -3 +2 Тошкент шаҳрида -4 -6 +2 +4

Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг. Барча товарлар гуруҳлари бўйича котировкалар WWW.UZEX.COM Сайтида

Халқ сўзи Народное слово Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 104 631 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.